

## Рамазон рўзасининг фарзлиги ҳақида (бешинчи мақола)



15:10 / 05.05.2019 2623

*Назр ибн Шайбон раҳматуллоҳи алайҳидан ривоят қилинади:*

**«Абу Салама ибн Абдурраҳмонга:**

**«Менга отангдан эшитган, отанг эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан Рамазон ойи ҳақида эшитган нарсангни гапириб бер. (Ўшанда) отанг билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўрталарида ҳеч ким йўқ экан», дедим.**

**«Ҳа, отам менга:**

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Албатта, Аллоҳ таборака ва таоло сизларга Рамазон рўзасини фарз қилди. Мен эса сизларга унинг қиёмини суннат қилдим. Ким иймонла, савоб умидида унинг рўзасини тутса ва (кечаларини) бедор ўтказса, гуноҳларидан онасидан янги туғилгандек бўлиб чиқур», дедилар», деди».**

*Насайй ва Аҳмад ривоят қилганлар.*

*Шарҳ:* Назр ибн Шайбон раҳматуллоҳи алайҳи Абу Салама ибн Абдуррахмон розияллоҳу анҳунинг отасига Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Рамазон ойи ҳақида муҳим ҳадис айтганларини билиб юрар эдилар. Шунинг учун Абу Салама розияллоҳу анҳуни кўришлари билан ўша ҳадисни сўрадилар.

Ушбу ҳадисдан салафи солиҳларимизнинг илмга, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан содир бўлган ҳар бир ҳадисга қанчалар эътибор билан қараганликларини кўриб турибмиз. Ул азизларимиз илм йўлида ҳар бир қулай фурсатдан унумли фойдаланишга ҳаракат қилганлар. Биз ҳам улардан ўрнак олишимиз лозим.

Ҳадисдан оладиган бошқа фойдаларимиз:

- 1.** Рамазон ойи рўзасини тутиш Аллоҳ томонидан фарз қилинган ибодат эканлиги.
- 2.** Рамазон кечаларини бедорликда ибодат ила ўтказиш Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам жорий қилган суннат эканлиги.
- 3.** Ким Рамазон кунларини иймон ила, савоб умидида рўза тутиб, тунларини бедорликда ибодат қилиб ўтказса, гуноҳлари мағфират қилиниши.

Шундай бўлгач, бу ҳадисга амал қилишимиз, Рамазон рўзасини қолдирмай тутиб, кечаларни қоим ҳолда ибодат билан ўтказиб, гуноҳларимиз мағфират қилинишига эришишимиз лозим.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан**